

# ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 63179

« 19 » апрель 2022 й.

Бухоро ш.

МЧЖ «Бухорогидротехника», (ташкilot, корхона номи) кейинги ўринларда "Пудратчи" деб юритилади. Ўзининг устав (низом, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи рахбари Курбонов Ж (вазифаси, фамилияси, исми) номидан, бир томондан ва Насос станциялари ва энергетика бошкармаси (корхона, ташиқлот, муассаса номи), кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритилади, ўзининг низом (низом, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи бошлиги Носиров В.Х. (вазифаси, фамилияси, исми) номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

## 1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. Ушбу шартнома буйича "Пудратчи" «Буюртмачи»нинг буюртмасига асосан Вобкент туманидаги Зарафшон-8 тик кудугини таъмирлаш ишларини бажаришни, «Буюртмачи» эса бажарилган ишларни қабул қилиб олишни ҳамда тўловни амалга оширишни ўз зиммаларига оладилар.

1.2 Ушбу шартноманинг умумий суммаси 152735894 сўмни ташиқил этади.

## 2. ШАРТНОМА БУЙИЧА КЕЛИШУВ НАРХЛАР

2.1. «Буюртмачи» томонидан тақдим қилинган ҳужжатларга асосан тулик таъмирлаш ишларининг қиймати 152735894 (Бир юз эллиқ икки миллион етти юз уттиз беш минг саккиз юз туксон турт) сўмни ташиқил қилади.

2.2. Таъмирлаш ишларининг бошланиши « 19 » апрель 2022 йил.

2.3. Таъмирлаш ишларининг тугаши вақти « 31 » декабрь 2022 йил.

## 3. ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИНИ БОШЛАШ , БАЖАРИШ ВА ТУГАТИШ БУЙИЧА ШАРТНОМАВИЙ МУДДАТЛАР

3.1. Таъмирлаш ишларини бажариш муддати мазкур шартноманинг 2.3. бандида кўрсатилган муддатгача амалга оширилади.

3.2. «Буюртмачи» томонидан таъмирлаш ишларини бажариш даврида «Пудратчи»га ўзи томонидан харид қилинган таъмирлаш материалларини тақдим қилиши мумкин.

3.3. Таъмирлашни тўхтаб қолганлиги учун сабабчи бўлган томон бунинг оқибатида келиб чиқадиган ҳар қандай камомад ёки жавобгарликни ўз зиммасига олади.

3.4. Таъмирлашни тугаллаб фойдаланишга топшириш учун тузилган комиссия далолатномаси тасдиқлангандан сунг таъмирлаш ишлари тамом бўлган деб ҳисобланади.

## 4. ТЎЛОВ ШАРТИ ВА ТАРТИБИ

4.1. Ушбу шартноманинг умумий нархи 152735894 сўмни ташиқил этади. «Буюртмачи» тулик таъмирлаш ишларини бошлаш учун «Пудратчи»га шартнома нархининг 30 % ёки 45820768 сўм миқдорда олдиндан тўлайди ва бу олдиндан тўлов 2022 йилнинг апрел ойида амалга оширилади. «Буюртмачи» томонидан якуний тўлов «Пудратчи» ишлар бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим қилгандан сўнг амалга оширилади. Якуний тўловнинг миқдори 106915124 сўмни, яъни, келишилган сумманинг 70 фоизини ташиқил этади ва бу якуний тўлов 2022 йил 31 декабргача амалга оширилади.

4.2. «Буюртмачи» тўловни пул ўтказиш йули билан амалга оширади.

4.3. «Пудрат» ташиқилоти томонидан шартномада кўрсатилган суммадан ошиқча бажарилган ишлар учун «Буюртмачи» томонидан тўловлар амалга оширилмайди.

## **5. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ**

5.1. Шартнома баҳоси **152735894** сўм бўлган таъмирлаш ишлари юқорида келишилган муддатда тугатиш ва фойдаланишга топшириш.

5.2. Махсус таъмирлаш ишларини бажариш учун махсус ёлланма пудратчи ташкилотларни жалб қилади.

5.3. Ҳар ҳафтанинг душанба кунинда жорий ҳафтада бажарилган таъмирлаш монтаж ишлари тўғрисидаги тегишли ҳужжатларни «Буюртмачи»га тақдим қилиши шарт. Агар таъмирлаш мазкур шартномада кўрсатилган муддатда пудратчининг айби билан фойдаланишга топширилмаса, у ҳолда буюртмачига қуйидаги тартибда жарима тўлайди:

- таъмирлаш муддати 10 кунга кечиктирилса, шартнома баҳосидан 0,5 % миқдорда;

- кейинги 20 кун учун шартнома баҳосидан 5 % миқдорда;

- ундан кейинги муддатлар учун 20 % миқдорда;

Жарима санкцияси буюртмачи томонидан билдирилган ёзма равишдаги даъводан кейин 10 кун муддат мобайнида тўланиши шарт.

5.4. Пудратчи шартномада назарда тутилган маблағ доирасида ишларни бажаради ва шунга мувофиқ бажарилган ишлар тўғрисида 2-сонли далолатномани тузади.

## **6. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ**

6.1. Шартномада курсатилган 4.1. ва 4.2. бандлари бузилса, «Буюртмачи» махсус ҳисоб-рақамидан ҳар бир кечиктирилган кун учун шартноманинг туланмаган нарҳини 0,04% миқдорда «Пудратчига» жарима тўлайди.

6.2. «Буюртмачи» таъмирлаш ишларини ўз вақтида белгиланган стандартларга ва амалдаги қонунчиликка асосан қабул қилиб олади.

6.3. «Буюртмачи» тасдиқланган сметасига мувофиқ бюджетда назарда тутилган маблағ доирасида шартнома тузади ва шартнома суммасига мувофиқ 2-сонли далолатномани «Пудратчи» билан биргаликда тузади

## **7. ТОМОНЛАР ЎРТАСИДА ШАРТНОМАВИЙ НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ**

7.1. Ушбу шартнома асосида келиб чиқадиган ҳар қандай низолар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчиликлари талабларига асосан Бухоро вилоят Иқтисодий суд судларида ҳал этилади.

## **8. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ**

8.1. Мазкур шартнома 2022 йил «19» апрелдан – 2022 йил «31» декабргача амалда бўлади.

8.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, бир хил юридик кучга эга бўлиб ҳисобланади ва томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан берилади.

## **9. ШАРТНОМАНИНГ ҚОНУНИЙ КУЧГА КИРИШИ**

9.1. 2014 йил 1 январдан амалга киритилган Ўзбекистон Республикаси бюджет кодексининг 122-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли қарорининг 6-бандига асосан бюджет ташкилотларининг товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар билан шартномалари, шунингдек буюртмачиларнинг Давлат бюджети маблағлари ҳисобига капитал қурилишга оид шартномалари мажбурий тартибда Ҳазначиликда рўйхатга олинishi шартлиги ва фақат у амалга оширилгандан кейин кучга кириши назарда тутилган

## 10. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

### «ПУДРАТЧИ»

#### МЧЖ «Бухоро Гидротехника»

(ижрочининг номи)

манзили: ул.Ширбуддин 147  
х\р: 20208000204569859001  
банк номи: «Ипотека» банк  
г.Бухара  
МФО: 00088 ИНН: 300128417  
ОКОНХ: 14971

### «БУЮРТМАЧИ»

#### Насос станциялари ва энергетика бошкармаси

(бюджет маблагларини олувчи номи)

манзили: Бухоро ш. Шербуд 4 куч, 2-уй  
тел/факс: 225-14-78, 225-42-09  
ш\хв: 100021860064017042402170007  
ИНН: 201513178 ОКОНХ: 22100  
Газначилик булим номи: Бухоро  
вилоят Газначилик бошкармаси  
Газна х/р: 23402000300100001010  
Банк номи: Тошкент.ш Марказий  
Банкнинг ХККМ  
МФО: 00014  
Газначилик булинмаси ИНН: 201122919

Рахбар: Курболов Ж.  
(Ф.И.Ш.)



Рахбар: Носиров В.Х.  
(Ф.И.Ш.)



Хуқуқшунос (ИМЗО ва Ф.И.Ш.): Авезова М.  
Гувоҳнома (Диплом) № ва берилган санаси: РВ № 866458